



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy  
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30  
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: [mno.rk@exat.uz](mailto:mno.rk@exat.uz)

« 19 » Июль 2021-й.

№ 02-02/02-3365 « \_\_\_\_\_ »- \_\_\_\_\_ 2021-й.

**Тўрткул тумани “Баркамал  
авлод” кўчаси 38-уйда яшовчи  
фуқора Д.Нуримбетовага**

**Иккинчи манзилга маълумот учун: Қорақалпақистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашига**

Ўзбекистон Республикаси Президентига Президент халқ қабулхонаси орқали келиб тушган 14008-ар/21-сонли мурожаатингиз юзасидан қўйидагиларни билдирамиз:

Ҳозирги кунда Тўрткул туманидаги 30-сонли умумий ўрта таълим мактабида жами 98 нафар, шулардан 12 нафари олий, 10 нафари биринчи, 26 нафари иккинчи тоифали ўқитувчилар фаолият юритиб келмоқда.


Ота-оналар томонидан мактабда таълим рус тилида олиб борилиши бўйича берилаётган таклифлар юзасидан мактаб педагогик кадрлар салоҳияти ўрганилиб таҳлил қилинди. Мактабдаги V-XI синфларда математика, тарих, физика, биология ва инглиз тилидан ташқари ўқув фанларини ўқитаётган ўқитувчилар олий таълим муассасаларининг ўзбек (миллий) йўналиши бўйича ихтисослик олганлиги аниқланди. Яъний, мактабдаги юқоридаги фанлардан ташқари дарс берадиган ўқитувчилар миллий синфларда дарс бера олишлари ҳамда уларнинг рус синфларидаги ўқувчиларга таълим бериш ҳуқуқи, қолаверса рус тилида таълим беришлари учун коммуникатив салоҳияти етарли эмаслигини маълум қиламиз. Бу ҳолат эса келгусида ўқувчилар билим даражасининг ҳамда таълим олишга бўлган қизиқишларининг ўта пасайиб кетишининг асосий омилларидан биридир.

Шу билан бирга, мазкур мактабда рус тили фанининг ўқитилиши бўйича ҳеч қандай муаммо йўқ эканлиги, бу фан бўйича салоҳиятли кадрлар етарли эканлигини билдирган ҳолда ўқувчи болаларимизнинг қизиқишларини инобатга олиб, рус тили фани бўйича кўшимча тўғаракларга жалб қилиниши мумкинлигини билдирамиз.

Келгусида мазкур мактабнинг рус синфларидаги ўқувчиларига рус тилида дарс бера оладиган педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш ва рус синфларини очиш юзасидан амалий ишлар олиб борилишини билдирамиз.



Берилган жавобдан норози бўлган тақдирда юқори турувчи ташкилотларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгасиз.

Вазирнинг биринчи ўринбосари в.в.б  Қ.Бекбаулиев

Ижрочи: Ҳ.Бегдуллаев  
Тел: 61 222-24-49

